



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 25 февраль, сешанба, №22 (3523).

»» Президент

БЮДЖЕТГА 135 МИЛЛИАРД ТЕНГЕ ҚАЙТАРИЛДИ

Давлат раҳбари Олий Тафтиш палатаси раиси Алихан Смаиловни қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевга Олий Тафтиш палатасининг ўтган йилги фаолияти яқунлари ва жорий йилги режалар ҳақида маълумот берилди.

Президентга тақдим этилган маълумотларга кўра, ўтган йили 214та иншоотда қиймати қарийб 11 триллион тенгедан зиёд 27та тафтиш тадбири ўтказилган. Натижада турли меъёрларнинг бузилгани аниқланган (умумий қиймати 862 миллиард тенге). Тафтишлар натижаларига кўра, 135 миллиард тенге бюджетга қайтарилган. Бу 2023 йилда тўланган қийматдан беш баравар кўлдир.

Давлат раҳбарига курилиш иншоотларининг нархларини аниқлаш, қайта ишлаш саноати



лойиҳаларини молиялаштириш, қишлоқ хўжалигини субсидиялашда камчиликлар аниқлангани таъкидланди.

Алихан Смаиловнинг айтишича, жорий йилда 40дан зиёд тафтиш тадбирлари режалаштирилган. Давлат раҳбарининг

топширигига мувофиқ, Астана ва Алматы шаҳарлари, Шимолий Қозоғистон, Қўстанай ва Жамбўл вилоятлари, шунингдек, "Самурық-Қазына" жамғармаси, "Қазатомпром" миллий компанияси, "KEGOC" корхонаси, Миллий банк, Фавқулодда вазиятлар

вазирлиги бюджетлари ижроси тафтиш қилинмоқда.

Йиғилиш якунида Президент давлат аудити тизимини такомиллаштиришни топширди.

Akorda.kz
маълумотлари асосида.

»» Вилоят ҳокимлигида

Туркистон – Шарқ дурдонаси



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев олиб борган йиғилишда "Туркистон шаҳрининг мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, мажмур қонун ва белгиланган вазифалар ижроси, шаҳар тараққиётига оид режалар муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари йиғилиш якунлари бўйича мутасадди раҳбарларга қатор топшириқлар берди.

– Туркистон асрлар давомида Шарқнинг илму маърифат ва маданият марказларидан бири сифатида жаҳонга донги кетган қадимий шаҳар. У ўтмишда савдо-сотиқ, маданий алоқалар жиҳатидан Марказий Осиёнинг машҳур шаҳарлари қаторидан жой олган ва улкан тарихий аҳамиятга эга. Дунёда кўп шаҳарлар бор, лекин Туркистон яққаю ягона. Ушбу қонун лойиҳаси нафақат шаҳар тараққиётига туртки беради, балки бутун минтақага ижобий таъсир кўрсатади. Бу сармоя жалб этиш, сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш, тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш учун янги

имкониятлар яратади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун доирасида сифатли тайёрлаш учун махсус комиссия тузиш зарур. Сайёҳлик ва маданият соҳаларида ҳам кенг кўламли режалар ишлаб чиқишни топшираман. Шаҳар ҳокимлиги ва бошқармалар ҳамкорликда ишлаши керак, – деди Н. Кўшерев.

Қонун лойиҳаси ва унинг ижроси юзасидан вилояти ҳокими девони раҳбари ўринбосари Адил Бектурганов ва Туркистон шаҳри ҳокими Азимхан Пазилбекули маъруза қилди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

»» «Жанубий Қозоғистон» тақвими

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАГА – 80 ЙИЛ

2025 йилда Улуғ Ватан урушидаги ғалабага (1941-1945) 80 йил тўлади. Шу муносабат билан МДХ давлатларида 2025 йил "Миллатчиликка қарши курашда Ғалаба ва бирдамликнинг 80 йиллиги йили" деб эълон қилинди.

Уруш 1941 йил 22 июнда бошланиб, 4 йил – 1418 кун давом этди. Унда Собиқ Иттифоқнинг 27 миллион яқин фуқароси вафот этди. Қозоқ заминидан фронтга кетган 1 миллион 200 минг жангчининг 600 минг нафари қайтмаган. 500дан зиёд қозоғистонлик аскарлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Бу унвон 1965 йилда генерал Сабир Раҳимовга, 1990 йилда Бауржан Момишулига берилган. Иван Кожедуб - уч марта, Талғат Бигелдинов икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан таъминланган. Қаҳрамон пулемётчи Маншук Маметова ва мерган Алия Молдағуловалар ҳам вафотидан сўнг ушбу юксак унвонга сазовор бўлди.

Қизил Армиянинг ҳарбий техника билан таъминлашда Қозоғистоннинг табиий бойликлари муҳим рол ўйнади. Қозоғистон мис, кўрошин, висмут, молибден ва полиметаллларни ҳарбий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган конларни ўзлаштириш бўйича етакчи эди. Марганец, вольфрам, никел ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қозоғистондаги мудофаа заводлари курул ва ўқ-дорилар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қарағанди кончилари саноат ва транспортни кўмир билан таъминладилар. Урал ва Эмба нефтли ҳудудлари суяқ ёқилги ишлаб чиқаришни кўпайтирди. Қозоғистон қишлоқ хўжалиги фронт ва фронт ортини озиқ-овқат, саноатини эса хом ашё билан таъминлади.

Бу йил Россия президенти Владимир Путин Қозоғистонга навбатдаги давлат ташрифи чоғида Қасим-Жўмарт Тўқаевни 2025 йил 9 май

ТАРИХНИНГ ШОНЛИ САҲИФАЛАРИ



кунин Москвада ўтадиган кенг кўламли тадбирларга таклиф қилди.

Ўз навбатида Қозоғистон Президенти Ғалабанинг 80 йиллигини нишонлаш бўйича қўшма тадбирлар режасини тасдиқлашни таклиф қилди.

Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қариннинг сўзларига кўра, Қозоғистонда ушбу юбилейга бағишланган тадбирлар 2025 йил январь ойида бошланади.

Бундан ташқари, Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида "Айбын" ҳарбий ордени даражаларига Иккинчи жаҳон урушининг афсонавий қаҳрамонлари Сағадат Нурмағамбетов, Бауржан Момишули, Раҳимжан Қўшқарбаев кабинетларнинг номлари берилди.

БОЙҚЎНҒИР КОСМОДРОМИГА – 70 ЙИЛ

Жорий йилда дунёдаги биринчи ва энг йirik космодром – Бойқўнғирнинг ташкил этилганига 70 йил тўлади. Космодром 1955 йил 12 апрелда Қизилўрда вилоятда илмий-тадқиқот полигони сифатида ташкил этилган ва 1957 йилда фойдаланишга топширилган. Уша йили 4 октябрда космодромдан Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилди ва 1961 йил 12 апрелда биринчи фазогир Юрий Гагарин

коинотга учди. Бу нафақат шўро республикалари, балки бутун дунё учун оламшумул воқеа бўлди. Инсоният коинотни ўрганиш орасидан илмий-техника тараққиётига, сарҳадсиз коинотга, юлдузлар сари қадам ташлади.

Бойқўнғир коинотни ўрганиш бўйича кўплаб инновацион ташаббуслар майдонига айланди. Бу ердан Қуёш, Ой, Венеранинг биринчи сунъий йўлдошлари, "Восток", "Восход", "Союз", "Прогресс" космик кемалари, "Салют", "Мир" орбитал станциялари ҳамда Халқаро космик станциянинг модуллари учирилди. 1991 йилда Қозоғистон мустақилликка эришгач, Бойқўнғир космодромининг мақоми масаласини кўтарди. 1994 йилда космодромни Россияга ижарага бериш тўғрисида шартнома имзоланди. Россия 2050 йилгача Бойқўнғирдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда Бойқўнғир халқаро космик дастурларнинг муҳим маркази бўлиб қолмоқда.

Қозоғистондаги ушбу соҳага оид тадқиқотлар биринчи қозоғистонлик фазогир Тўқтар Аубакиров билан бевосита боғлиқ. У 1991 йил 2 октябрда "Союз ТМ-13" кемасида Бойқўнғирдан коинотга учди. Коинот кемаси "Мир" яқин орбитал мажмуаси билан туташди ва Т. Аубакиров бошқа космонавтлар билан биргаликда биотехнология, металлургия, тиббиёт, Орол ҳудуди бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Иккинчи қозоғистонлик космонавт Талғат Мусабаев коинотга уч марта парвоз қилди. Бундан ташқари, 2015 йил сентябрь ойида Қозоғистоннинг учинчи фуқароси Айдин Аимбетов коинотга парвоз қилди. У халқаро экипаж таркибиде коинотни забт этган қозоғистонлик биринчи фазогирдир.

24.kz маълумотлари асосида.



Ғалабанинг 80 йиллиги рамзи тасдиқланди

Расмий рамз ҚР Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилди.

Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган асосий тадбир Астанада ҳарбий намойиш билан бошланади, концерт ва кўргазмалар ташкил этилади, ҳужжатли фильмлар ва теледастурлар суратга олинади, тарихий китоблар ва фотоалбомлар нашр этилади, аскарлар хотирасини абадийлаштириш борасида илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилади.

Байрамлар тақвимидан Бауржан Момишули таваллудининг 115 йиллиги, Малик Ғабдуллин таваллудининг 110 йиллиги ва Алия Молдағулова таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳам ўрин олган.

Қозоғистонда Ғалаба кунига қадар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 5 миллион тенгедан пул мукофот бериш режаланган.

24.kz маълумотлари асосида.



Қозоғистон жаҳон ОАВларида

Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Иорданияга расмий ташрифи доирасида Қирол Абдулла ибн ал Хусайн билан учрашди ва музокаралар якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилинди.

Баёнотда давлат раҳбарлари умумий кадрятлар ва манфаатларга асосланган икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини тасдиқладилар ҳамда барча даражадаги мулоқотни давом эттириш истагини билдирдилар.

CentralAsia:

Қозоғистон ва Франция виза режимини соддалаштириш масаласини муҳокама қилди

Қозоғистон Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алибек Бақаев Франция Ички ишлар вазирлигининг махсус вакили Патрик Стефанини билан музокаралар ўтказди. Учрашувда консуллик-ҳуқуқий ва миграция соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар Франциянинг миграцияни бошқариш борасидаги саъй-ҳаракатларига эътибор қаратиб, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик моҳиятини муҳокама қилдилар. Франция томони қонуний миграцияни қўллаб-қувватлаш чораларини, жумладан, ёш олимлар ва талабалар учун дастурларни тақлим қилди.

Муҳокаманинг асосий мавзуси Қозоғистон фуқаролари учун виза тартибининг соддалаштириш бўлди. Шунингдек, иқтисодиёт, маданият ва илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи лойиҳаларга кўмаклашиш ташаббуслари ҳам кўриб чиқилди.

Trend:

Қозоғистон транзит ташиш ҳажмининг 74 миллион тоннага оширишни режалаштирмоқда

2024 йил якунларига кўра, Қозоғистон орқали транзит ташиш ҳажми 34 миллион тоннадан ошди. Бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 6 фоизга кўпдир. Бу ҳақда Қозоғистон Транспорт вазирлиги қўшма баёнот билан Транспорти департаменти директори Нурлан Кенесов баёнот берди.

Мамлакатимиз орқали ўтаётган транзит юкларининг 80 фоизи темир йўл, 20 фоизи автомобиль транспортида ташилган. Қозоғистоннинг транспорт-логистика салоҳиятини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси доирасида инфратузилмани ривожлантириш борасида мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Daryo:

Озарбайжон самолётининг қулаши сабаблари йил охиригача аниқланади

Ақтау яқинида Azerbaijan Airlines (AZAL) самолёти ҳалокати сабабларини текширишни 2025 йил декабрида якунлаш режалаштирилган. Бу ҳақда ҚР Транспорт вазирлиги ўринбосари Талғат Ластаев хабар берди.

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти талабларига кўра, бундай текширувлар одатда бир йил давом этади. 2024 йилнинг 25 декабрида Ақтау аэропортидан уч қақирим узоқликда Озарбайжоннинг AZAL авиакомпаниясининг Embraer самолёти қулаб тушди. Боку-Грозний рейсини амалга ошираётган самолёт фавқулодда кўнмоқчи бўлган вақтда ҳалокатга учради. Самолёт бортида 62 нафар йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси бўлган.

Терговга Қозоғистон раҳбарлик қилади. Ишда озарбайжонлик, россиялик мутахассислар, халқаро экспертлар, шунингдек, Embraer самолётларини ишлаб чиқарувчи компания вакиллари иштирок этади.

29 декабрда Озарбайжон президенти Илҳом Алиев самолёт Россия ҳудудидаги Грозний яқинида радиоэлектрон жанговар ускуналар таъсирида ташқи томондан шикастлангани, натижада у бошқарувни йўқотганини маълум қилди. Бироқ ҳодиса сабабларига расман ойдинлик киритилмаган.

Жаҳон ОАВ маълумотлари асосида.

«ИШЧИ КАСБЛАРИ ЙИЛИ»ДА – «ЯГОНА КОЛЛЕЖ – ЯГОНА МАҲСУЛОТ»



Вилоятда «Ишчи касблари йили»ни ўтказиш муносабати билан минтақавий режа тасдиқланди. У 7 йўналиш ва 64 bosқичдан иборат. Бу ҳақда вилоят таълим бошқармаси раҳбари ўринбосари Айгул Қасимбекова маълум қилди.

– Ишчи касблари йилини ўтказиш доирасида соҳавий бошқармалар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда техник мутахассис тайёрласа, касб-хунар билим юртлири ҳамкорликда иш олиб боради. Вилоятда жами 50та коллеж фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти кўп

соҳали коллежлар. Жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларини – 10, хизмат кўрсатиш ва сайёҳлик соҳаси мутахассисларини – 3, қурилиш соҳаси ишчиларини эса 11та коллеж тайёрлайди. Бугунги кунда 75 мутахассислик бўйича 45 минг талаба таҳсил олмақда. Шунингдек, 30та коллежда ишчи мутахассислар тайёрланади, талабалар сони 16100 кишини ташкил қилади. 2024-2025 ўқув йилида давлат буюртмаси бўйича 15525, 2025-2026 ўқув йилида бу кўрсаткич 15500ни ташкил қилади. Бу йил «Ягона коллеж – ягона маҳсулот» номланган лойиҳани амалга ошириб, 5та коллежда цехлар очиб, уларни кичик корхоналарга айлантириш юзасидан иш олиб бормоқдамиз. Бугунги кунда 35та коллежда дуал тизимда 64та ихтисослик бўйича 10353 талаба таҳсил олмақда, деди маърузачи.

Айгул Ерғалиқизининг айтишича, бу йил «Касблар харитаси» ишлаб чиқилади. Шунингдек, сармоядорлар ва корхоналар талабидан келиб чиққан ҳолда янги мутахассисликлар тайёр-



лаш бўйича ишлар олиб борилди. Буларга лифт ва эскалатор, кўчмас мулкни бошқариш, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, агрокимё, учувчисиз учиш ускуналари, пахта чигити ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва ип йигириш, вагонларни таъмирлаш учун чилангар, яшил энергетика, гидротехник иншоотлар учун мутахассисликлар кирди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда бу йил бўш иш ўринлари ярмаркалари ва саноат корхоналарида очик эшиклар куни ўтказиш режалаштирилган. Ярмаркаларда 350га яқин иш берувчидан 1500дан зиёд бўш иш ўринлари тақдим этилади. Бўш иш ўринларининг 57 фоизи ишчи касблари.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

» Туркистон – жаҳон сайёҳлик маркази

SEM BRAND МЕҲМОНХОНАСИДА

ЁХУД А. ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ ЗИЁРАТЧИЛАРИ УЧУН
ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙЛИКЛАР

Фаол обуначиларимиз, жорий йили қутлуғ 70 ёшни қаршилаётган Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси, фахрий тадбиркор Шерхон Абилов сифатли стол-стул маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхонани бунёд этиб, самарали раҳбарлик қилаётган иқтидорли фарзанди Бобир Шерхон ўғли билан Ҳазрат Яссавий мақбараси жойлашган, улкан тошйўл шовқинидан олисда, зиёратчи сайёҳлар билан гавжум «Карвонсарой» ҳудудида уч қаватли, мухташам «SEM BRAND» меҳмонхонасини барпо этди.

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан махсус мақом берилган кўнра Туркистон шаҳрига ҳар йили 5 миллион сайёҳ, зиёратчилар ташрифи режаланган. Бир маҳалда 40 зиёратчини қабул қиладиган SEM BRAND меҳмонхонаси ушбу улкан ишга ота-ўғил Шерхон ва Бобир Абиловларнинг қўшган муносиб ҳиссасидир.

20 автомашина учун тураргоҳ ҳамда жисмоний машқлар учун жиҳозланган майдонча-



сида жойлашган ошхоналарда берилди. Обуначимиз Шерхон Абиловдан «SEM BRAND» маъносини сўрадим. Алматидаги нуфузли олий ўқув юрларида ҳамда Туркистондаги умумтаълим мактабида таҳсил олаётган неваралари Сардор, Элдор ва Муҳаммадали Бобир ўғиллари исларининг бош харфи ҳамда сифат сўзининг бирикмаси экан.

Ш. МАДАЛИЕВ

Тасвирларда: SEM BRAND меҳмонхонаси; меҳмонхона соҳиб Динмуҳаммад Абдуллаев; қабул бўлими ходимаси Нигина Икром қизи.

Муаллиф суратга олган.

га эга ушбу меҳмонхона кечаю-кундуз «Қайсар» кўриқлаш агентлиги муҳофазасида бўлади. Меҳмонларни жойлаштириш бўлимидаги мутахассис Нигина Икром қизи барча ходимлар каби инглиз, рус, турк, қозоқ, ўзбек тилларини мукамал ўзлаштирган бўлиб зиёратчиларга жаҳон андазалари даражасида хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлайдиган Халқаро туризм ва меҳмондўстлик университети-нинг 3 bosқичида таҳсил олади Меҳмонхона маъмури, ХҚТУни тамомлаган олий маълумотли Динмуҳаммад Абдуллаев ҳамроҳлигида меҳмонхона билан танишдим. Меҳмонлар учун барча шароит муҳайё қилинган хоналарга кириш ва чиқиш фақат чип-карточка орқали амалга оширилади. Эрталаб зиёратчиларга бепул нонушта берилди. 15 хил таомлар



P.S: Давлатимиз сиёсатини амалда қўллаб-қувватлаб, зиёратчи, туристлар учун мухташам меҳмонхона барпо этган фаол обуначиларимиз Шерхон Абилов, унинг тадбиркор фарзанди Бобирга сиҳат-саломатлик, бунёдкорлик ишларида зафарлар тилаймиз.

ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги шафелигида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишиш мақсадида ОАВ вакиллари учун Арис, Сайрам, Байдибек ва Тулкибош туманларига махсус сафар уюштирилди.

ОАВ ВАКИЛЛАРИ САЙРАМ ТУМАНИДА



Журналистлар дастлаб Сайрам туманининг Қайнарбулоқ қишлоқ округидаги «Gen Group Kazakhstan» МЧБнинг банан етиштирувчи иссиқхона мажмуаси фаолияти билан танишдилар. Ҳозирда компания 5,3 га майдонда иссиқхона барпо этиб, банан етиштирмоқда.

– Етиштирилган банан навлари Қозоғистоннинг иқлим шароитига мослашган, – дейди кор-

лан танишдилар. Хусусий тадбиркор Иброҳим Саражов 29,5 млн. тенге кредит олиб, меваларни қайта ишлаш цехи учун зарур ускуналар харид қилган. Ҳозирда 30 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган.

Шунингдек, журналистлар Оқсувкент қишлоғида жойлашган «Айкан» сутни қайта ишлаш заводига ташриф буюрдилар. Дарҳақиқат, «Эмир» бренди орқали танилган корхона 2023 йили қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи пешқадам жамоа сифатида ҚР Президентининг «Алтын сапа» мукофоти совриндори бўлгани бежиз эмас.

– 80 киши доимий иш билан таъминланган заводда бир кеча-кундузда 100 тонна сут қайта ишланади, – дейди завод бош директори Алмагул Айкан. – Бугунги кунда Туркия технологияси асосида пишлоқнинг 14 тури ишлаб чиқарилмоқда. Корхона сут, айрон, қаймоқ, пишлоқ каби юқори сифатли маҳсулотларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларига етказиб бермоқда.

ОАВ вакиллари сафар доирасида Манкент қишлоғидаги «Nurym Group» МЧБнинг омухта ем заводи ва мол бўрдоқлаш майдони фаолияти



билан танишдилар. Қиймати 2,3 млрд. тенге бўлган заводда бир йилда 46 минг тонна омухта ем тайёрланади. Бу ерда 10та одам доимий иш билан банд.

Қиймати 5,1 млрд. тенге мол бўрдоқлаш майдонида йилига 10 минг тонна гўшт тайёрланади. 40 киши доимий иш билан таъминланган. Корхона маҳсулотлари ички бозорда сотилмоқда ва Ўзбекистонга импорт қилинмоқда.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

хонанинг бошқарувчи директори Ислам Алиев. – Келгусида иссиқхона яна 5 гектарга кенгайтириш режаланган.

Замонавий иссиқхонада йилга минг тоннага яқин банан етиштирилади. 30 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланган. Қозоғистонда ягона ҳисобланган корхонага барча жиҳозлар Туркиядан келтирилган. Ҳозирги кунда маҳсулотлар ички бозорда сотилмоқда.

Шундан сўнг ОАВ вакиллари Қорасув қишлоғида «Ауыл аманати» дастури доирасида ташкил қилинган «Аят-Агро» ИЧШнинг полиз маҳсулотларини қайта ишлаш цехи фаолияти би-



» Қозоғистон халқи Ассамблеясига – 30 йил

МАДАНИЙ ТАДБИРЛАР – ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ИНЪИКОСИ

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида ижодий жамоалар фестивалининг вилоят bosқичи ўтди.

Қозоғистон халқининг тоғувлиги ва бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида уюштирилган тадбирда этномаданият бирлашмалари раислари ва аъзолари, бадий жамоалар иштирок этдилар. Иштирокчилар яқна ва гуруҳларда халқ куй-қўшиқларини ижро этиш, рақсга тушиш бўйича беллашдилар.

Байрам тадбирида Туркистон вилояти ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбарининг ўринбосари – Ассамблея котибиятининг мудири Нурсултан Сейтжанов, «Жамоат тотувлиги» ДКК раҳбари Элмира Жангазиева, «Конгресс холл» кўп соҳали мажмуасининг «Алқоңыр» халқ ансамбли хонандаси Аружан

Абдиқадир, «Жаңа леп» дастасининг хонандаси Бекбўлат Серик ва «Самғау» рақс ансамбли артисти Ақжўл Абибулла ҳақамлик қилишди.

Ҳақамлар ҳайъати қарорига кўра, Сайрам туманининг «Ғунча» халқ ашула ва рақс ансамбли 3-ўринни эгаллади. Рақс танловида Кентов шаҳрининг кўш жамоаси – «Рапсодия ёшлари» ва «Рапсодия» рақс гуруҳлари 1-нчи ва 2-ўринларни эгаллади. 3-ўринни Тўлебий туманининг «Жаңа толқын» ёшлар клубининг «Грация» ижодий гуруҳи эгаллади.

Шунингдек, 18 ёшгача иштирокчилар қўшиқ танловида савронлик хонандаларга омад кулиб боқди. «Ватан» қўшиғини ижро этган Умида Эркинова голиб бўлди, Ғиёсиддин Раҳмидинов «Афсусланма сен» қўшиғи билан 2-ўринни эгаллади. «Ўлы дала» қўшиғи билан казигуртлик Муштарийбону Ҳуснидин кучли учликка илindi.

18 ёшдан ошган хонандалар беллушувида 1-ўринни савронлик Муроджон Отажонов, 2-ўринни Руза Сейитқасимова, 3-ўринни жетисайлик Руфат Ҳоҗиев эгаллади.

Ғолиблар фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Вилоят bosқичи голиблари республика танловида йўлланма оlishди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Жасорат унутилмайди

АФҒОН УРУШИ ФАХРИЙСИ
БИЛАН УЧРАШУВ

Шўро кўшинларининг Афғонистондан чиқарилганига 36 йил тўлиши муносабати билан Сўзоқ қишлоғидаги Нурмуҳаммад Болтабоев раҳбарлик қилаётган А. Навоий номи умумтаълим мактабида фахрий байналмилал жангчи Муҳаммаджон Бобоев билан учрашув ўтди.

Муҳаммаджон Мамажон ўғли 1981-1982 йилларда Туркистон ҳарбий округига қарашли 40-армиянинг 180-полки, 9-ротасида БМП-1 машинасини бошқарган. Ватанга қайтишга 3 кун қолганида ҳам душман билан жангларда қатнашган. Уруш хотиралари ҳанузгача

унинг қалбини ларзага келтиради.

Муҳаммаджон Мамажон ўғли ўқувчилар билан суҳбатда фаровон ҳаёт, тинч ва осуда кунлар қанчалик қадри эканлигини таъкидлаб, ватанпарварлик ҳақида хотираларини баён этди. Мактабимиз бадий

ҳаваскорлари ижросида тайёрлаган концерт дастури намойиш этилди. Мазкур тарбиявий аҳамиятга эга учрашув барча иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Шаҳноза БОБОЕВА, А. Навоий номи умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.


Тасвирда: Учрашув иштирокчилари.

Муаллиф суратга олган.

ҚАДРИ УЛУҒ ҚАДРИЯТЛАР
МАСКАНИНИНГ ПОСБОНИА. ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ
ЖАМОА БИРЛАШМАСИНИНГ РАҲБАРИЖОНТЕМИР
ОҚСОҚОЛНИНГ
ЖОНКУЯРЛИГИ

Газетамизнинг фаол обуначиларининг таклифлари асосида Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, фахрий курувчи, кўп йиллик самарали меҳнатлари шарофати билан ҚРнинг "Олтин китоби"га киритилган Жонтемир Олимов билан суҳбатда бўлдик.

88 ёшдаги Ж. Олимов Шерт қишлоғида Олим ота ва Зухра аянинг пири бадавлат хонадонидан таваллуд тоилган. Ота-онасидан эрта етим қолди, ҳаётда қийинчиликларни енгиб яшашни ўрганди. Тошкентдаги Ўрта Осий политехника институтининг гидротехника иншоотлар ва ГЭС факультетида таҳсил олди. Қурилиш ташкилотлари раҳбари сифатида турли йилларда Туркистонда "Достық" кинотеатри, марказий истироҳат боғи, марказий бозор, шаҳар касалхонаси, мол бозори, интернет уйи, 15-сонли мактаб, тиббиёт билим



юртининг барпо этилиши ва темирйўл вокзалидан ЖҚТУга қадар марказий йўлнинг чеккаси тарновлар ўрнатилиб, асфальтланишига салмоқли ҳисса қўшди. 1981 йилдан Туркистондаги махсус илмий реставрация устaxonаси раҳбари сифатида Яссавий мақбараси таъмирланишига давлат ва жамоат арбоби Ўзбекили Жа-нибеков билан бирга муносиб

ҳисса қўшди. Мақбара деворлари орасидан ўтказилган, ҳаво алмашувини таъминлайдиган йўлакчаларни очиб, ноёб иншоотни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказишда хизматлари беқийс. А. Яссавий мақбарасини муҳофаза қилиш жамоат бирлашмасини тuzиб, унга самарали раҳбарлик қилди. Академик Раҳмонқул Бердибай "Кесене ушн кўрес" китобида: "Жонтемир Олимов Мустанқ Қозоғистон солномасида номи тарихда қоладиган қахрамон, фахрий курувчи. Сабаби, Шўро давриданок давлат реставрация соҳасидаги сиёсатга асосли танқид қилиш, ўз таклифларини киритиш журъати ҳаммага ҳам насиб этавермайди", деб ёзган.

Ж. Олимов Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасини теран ва мукамал биладиган етук мутахассис сифатида ўз билими, тажрибасини баҳам кўриб, маслаҳатларини беришга тайёр.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирда: Ж. Олимов
Муаллиф суратга олган.

»» Спорт

НЕВАРАМНИНГ ЮТУҒИ
БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ташкилотчилигида 15-16 февраль кунлари Чордара туманида 2012-2013 йиллари туғилган ўғил болалар ўртасида волейболдан вилоят чемпионати ўтди.

Эски Иқон қишлоғидаги С. Рахимов номи мактабининг 6-"А" синф ўқувчиси, Муталлиб Йўлдошев номидаги спорт мактаби шогирди, неварам Нурислом Асқад ўғли Саврон тумани терма жамоаси фахри биринчи ўринни эгаллашига муносиб ҳисса қўшганлигидан беҳад мамнунман.

Мураббийлар Азиз Сафаров

ва Оқилжон Кўчқоров, Муталлиб Йўлдошев номидаги спорт мактаби директори Мамирхон Йўлдошев, устоз-мураббий Хислат Мамметовларни ушбу ғалаба билан муборакбод этаман. Спортчи неварам Нурислом "Жанубий Қозоғистон" газетасини обуначиларга тарқатишда менга дастёр эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ирискул АББОСОВ, ҚРда хизмат кўрсатган маданият арбоби.

Тасвирда: Н. Асқад ўғли устоз мураббийлари ва тенгдошлари билан.

Баркамол миллат
асоси - бу тил

«Ватандошлар» жамоат фонди томонидан ташкил этилган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун малака ошириш босқичидан халқаро миқёсда таҳсил олишимиз ўзимизда бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Она тилимизнинг софлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларда иштирок этиб, лисонимизнинг хазинасини ёш авлодга сингдиришда ҳормай-толмай қилаётган саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаслигига амин бўлдик. Чунки айрим мамлакатларда тилимизга эътиборнинг бироз сусайилгани ҳақиқат, шундай вазият ҳукмрон бир пайтда чанқок қалбларимизни янада қондирди.

Малака ошириш курсида бир ҳафта давомида иқтидорли устоз-профессорлардан таҳсил олдик. Олдиндан ташкиллаштирилган саёҳатлардан мамнун бўлдик.

Бобомиз Мир Алишер Навоидан мерос бўлиб қолган гавҳарнинг бебаҳолигини сақлаган ҳолда авлоддан авлодга етказиш биз миллат жонкуярлари учун улкан вазифа. Ўзбек шoir ва ёзувчилар томонидан ёзилган асар ва достонларни чет эл тилларига таржима қилиб, миллатимизнинг улугвор қирраларини жаҳон миқёсида танитиш зиммамиздаги вазифа.

Биз учун малака ошириш курсларининг ташкиллаштирилиши бежиз эмас. Миллатпарвар, ватанпарвар авлод тарбиялашда бизга берилган ишонч, масъулият. Уйлайманки, бизга бўлган бу ишончни оқлабгина қўймай, миллий қадриятларимизни ўзида сингдира оладиган, тилимиз равнақиға ҳисса қўшадиган, ўз тилининг гулзоридан гулдаста ясай оладиган авлодни тарбиялай оламиз.

Устозим Барно Исоқованинг ушбу шеъри билан фикримни янада ойдинлаштирсам:

Ўзбекча айт...

Ўзбегимнинг тили ширин, кўнгли юмшоқ,
Ўзагидан юрагинга торт аргимчоқ.
Сўнгра учгин самоларга, уч баландроқ,
Сен лутфингни ўзбекча қил, ўзбекча айт.

Ўзбекчани тинглайдими фарзандларинг,
Ўз тилингда сўйлайдими дилбандларинг?
Ўз тилинғези татирмикан бол, қандларинга,
Сен лутфингни ўзбекча қил, ўзбекча айт.

Бобонг ким, эй ўзбекзабон, турк демасми,
Югнакий ва Яссавийлар наслимасми?
Тил билмаган ҳар жойда ҳам панд емасми?
Сен лутфингни ўзбекча қил, ўзбекча айт.

Ўргансанг ҳам сонсиз чет эл тилларини,
Ўз боғингдан тер нафосат гулларини,
Сақла тилин, тут Навоий йўлларини,
Сен лутфингни ўзбекча қил, ўзбекча айт.

Ўзбегимнинг тили ширин, кўнгли юмшоқ,
Ўзагидан юрагинга торт аргимчоқ.
Сўнгра учгин самоларга, уч баландроқ,
Сен лутфингни ўзбекча қил, ўзбекча айт.

«Ватандошлар» жамоат жамғармаси томонидан тайёрланган ушбу дастурдаги барча лойиҳалар биз учун маънавий озуқа бўлди. Янги ўқув йили арафасида айнан бизга зарур маълумотлардан, устоз-мураббийларнинг билимидан баҳраманд бўлдик. Улар бизга куч ғайрат, шижоат бағишлаганликларидан бошимиз кўкка етди. Бу каби тадбирларнинг янада кенгрок ташкиллаштирилиши бизни касбимизнинг моҳир устасига айланттириши муқаррар. Бунинг учун жамоат жамғармаси раҳбарларига, устозларимизга бизнинг билим олишимиз учун хизматини аямаган барча ватандош, миллатдошларимизга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Шоҳида КАМОЛОВА,
«URKER» мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.
Кентов шаҳри, Қарноқ қишлоғи.



Туркистон шаҳридаги А. Навоий номи 13-сонли гимназия-мактабида 2-синф ўқувчилари ўртасида Буюк Ғалабанин 80 йиллигига бағишланган "Қувноқ стартлар" мусобақаси ўтказилди.

Мактаб директори Ҳ. Диметов, директор муовинлари Х. Мараим ва М. Бергеновалар ҳомийлар, ота-оналар ва ўқувчиларни қутлаб, мусобақа қатнашчиларига омад тиладилар. "Жанубий Қозоғистон" газетасининг бош муҳаррири Р. Алибоев Буюк Ғалабанин моҳияти, ватанпарварлик руҳиятини шакллантиришга оид

"ҚУВНОҚ СТАРТЛАР" МУСОБАҚАСИ



фигрлари билан ўртоқлашди.

Ёшларни спорт мусобақаларига тайёрлашдаги хизматлари учун жисмоний тарбия фанининг бирлашма раҳбари М. Тошметов ва мураббий-ўқи-

тувчиларга миннатдорчилик билдирилди ва Ихлом Юнусов ва Шаҳзод Аминовлар таҳририятнинг ташаккурномаси билан тақдирланди.

Мусобақада З. Рўзиметова

раҳбарлик қиладиган 2-"Б" синфининг "Тулпор" жамоаси фахри 1-ўринни эгаллади. 2-ўринга Н. Ҳайдарова раҳбарлигидаги 2-"Ә" синфининг "Барыс", 3-ўринга эса Ф. Исмоилова раҳбарлигидаги 2-"А" синфининг "Қыран" жамоаси сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларга мактаб ота-оналар қўмитаси фаоллари А. Бойқўзиев, А. Холназаров, А. Абдуқаҳорлар ҳомийларнинг диплом, медаль ва совғаларини топширдилар.

Индира АСАТУЛЛАЕВА,
А. Яссавий номидаги ЖҚТУнинг филология факультети талабаси.



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза **МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид **КЎЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон **МЎМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90
Тулқибоб – Мунира **САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар **УСМОНОВА.** +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика **ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун **МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR-print" МЧБ босмахонасида chop этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашир кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Бирорлам 432

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.